

ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ

Сулаймонов Махмуджон Шухратбекович

Андижон давлат педагогика институти эркин изланувчиси.

Аннотация: Фуқаролик позициясини инсоннинг мустақил фикрлашга, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашга боғлаш орқали жамият аъзосининг ижтимоий миссиясини аниқ-равшан белгилаб қўйишга интилишни кўриш мумкин..Тезисда фуқаролик позициясини шакллантириш масаласи баён этилган.

Калит сўзлар: фуқаролик позицияси, жамият, қатлам, давлат сиёсати, бандлик, жамият, иқтисодиёт, давлат бошқаруви.

Фуқаролик позициясини шакллантириш масаласи давлатимиз раҳбари томонидан мунтазам илгари суриб келинаётган вазифалар қаторида туради. Чунки, давлат сиёсати ва амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти фуқаролик позициясининг шакллангани билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшларига байрам табригида “...ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда.” деб қайд этиб ўтган эди. Фуқаролик позициясини инсоннинг мустақил фикрлашга, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашга боғлаш орқали жамият аъзосининг ижтимоий миссиясини аниқ-равшан белгилаб қўйишга интилишни кўриш мумкин. Бу фуқаролик позициясига давлат сиёсати нуқтаи назардан ёндашув бўлиб, ҳокимият фуқаролик позицияни шакллантириш учун уларга ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни таъминлаш бирламчи деб ҳисоблашини англатади. Умуман

олиб қараганда ҳам фуқаролик масалалари бу – барқарор иқтисодий ва молиявий имкониятлар билан узвий боғлиқ жараёндир. Яъни, доимий иш ўрнига эга, мунтазам даромади бор фуқаролар давлат сиёсатининг у ёки бу масалаларига қизиқиш билдириши эҳтимоли юқори. Қашшоқ ва камбағалларнинг эса асосий ташвиши эса кундалик тирикчилик ишларидир. Уларнинг давлат ва жамиятнинг муҳим масалалари қизиқтирмаслиги табиий ҳол бўлиб, жамиятнинг бундай аъзолари учун экзистенциал саволлар нисбатан бошқачадир. Жамиятнинг энг бадавлат қатлами эса давлат сиёсатини ўз йўриғига буришга уринади ва бу олигархия деб аталадиган салбий ҳолатни келтириб чиқаради. Бундай фаоллик эса детсруктив хусиятга эга бўлиб, давлат ва жамиятнинг муқаррар инқирозига сабаб бўладиган омил ҳисобланади. Шундай экан жамият аъзоларининг маълум бир машғулотга эга бўлиши, иқтисодий имкониятларининг мавжудлиги уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг гаровидир. Фуқаролик позицияси бўйича амалга оширилган қатор тадқиқотларда бу атаманинг турли томонлари ёритиб берилган. Рус олимларидан К.И.Маслов инсон онгли равишда юзага келадиган фуқаролик ҳуқ-атвори сифатида талқин қилади. Давлатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қатор назариялардан бири ижтимоий шартнома назариясидир. Унга кўра халқ- ўз ҳоҳиш иродаси билан янги жамият институти давлатни тузади ва ҳокимият беради. Ўз навбатида ўзи ташкил этган ҳокимият томонидан ишлаб чиқилган қонунларга бўйсунди ва унинг бажарилиши учун саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Шу нуқтаи назардан фуқаролик позицияси жамият аъзоси томонидан тушуниб етилган ва онгли равишда амалга оширадиган фаолияти бўлиб, давлатнинг легитимлиги ва легаллигини таъминлаш кафолатидир. Онглилик масаласи фуқаролик позициясини тушунишдаги марказий нуқталардан биридир. Маълумки, фуқаролик позицияси шаклланган субъекти жамият ва давлатнинг муаммолари ва ютуқларини, ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларини ўзининг ҳаётий таъмоили даражасига кўтариш билан баробардир. Бизнинг фикримизча, маиший даражадаги ахлоқий меъёрлар – атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабат, яъни ахлоқни тўғри келган жойга улоқтирмаслик,

навбатга туриш маданияти ва ҳоказолар ана шу онглиликнинг энг ёрқин ифодасидир. Ҳанузгача жамиятда бу ахлоқий қоидалар ижтимоий маданиятнинг таркибий қисмига айланиб улгурмаган. Аксарият ҳолларда ахлоқи доирасида тартибга солиниши зарур бўлган масалалар қонун ёки замонавий технологиялар билан тартибга солинаётгани онглилик масаласи очик турганининг яққол мисолидир. Ўзбекистонда ўрнатилган сон-саноксиз радарлар, банклардаги электрон навбат қурилмалари ва камералар орқали аҳлат ташлаганлик учун жарима солиш тизими ҳам онгли равишда ижтимоий-ахлоқий меъёрларни ҳурмат қилиши кўникмаси шаклланмагидан келиб чиқади. Бизнинг фиркримизча, фуқаролик позицияси икки муҳим категория – фуқаролик ва позицияга таянади. Шахсга ташқи таъсирлар, таълим-тарбия жараёнида вужудга келадиган когнитив, маънавий ва одатий хулқ-атвор қоидалари йиғиндиси орқали намоён бўладиган фаолият сифатида баҳолаш мумкин. Фуқаролик масаласи миллий адабиётлар ва ижобий маънодаги оммавий маданиятда фуқаролик тушунчаси кенг ўрганилмаган ва тарқалмаган. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистонлик атамаларини оддий одамлар ҳар доим ҳам ишлатавермайди. Бу миллий даражада фуқаролик идентификацияси ҳали охирига етмаганини англатади. Бунга тўсиқ бўлаётган асосий омил – маҳаллийчилик, ўзбек тили ва маданиятига ҳурматнинг шаклланмагани ҳам космополитизм каби муаммолардир. Маҳаллийчилик – давлат бошқаруви ва бизнес соҳасида туғилган жойига қараб махсус имтиёзлар яратишда намоён бўлади. Бундай салбий иллат ҳақида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов: шундай деган эди: “Муайян ҳудудий фарқларни мутлақ ҳодиса даражасига кўтариш энг хавфли хатодир. Ҳар бир шахснинг миллий ўзлигига қайтишлигини ўзлигини минтақавий асосда белгилаб бермаслиги керак. Инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина Хоразмлик, Самарқандлик ёки Фарғона водийсининг аҳолиси деб ҳис қилиши лозим.” Маҳаллийчиликнинг энг салбий оқибати шундан иборатки, жамият аъзоси ўзининг ижобий хислатлари билан эмас, қандайдир илмий асосга эга бўлмаган тасодифий

хусусиятга эга бўлган жиҳатлари билан маълум бир мақомга эга бўлади. Тасодифийлик бу ўринда айнан унинг қайсидир вилоятда туғилганидир. Мамлакат миқёсидаги маҳаллийчилик натижасида эса фуқаролик позисияси шаклланишига тўсқинлик қиладиган асосий омил бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР

1. <https://www.president.uz/uz/1876> - Ўзбекистон ёшларига байрам табриги.
2. Тетиор Александр Никанорович (2017). Олигархия и плутократия - вырождение демократии. Евразийский Союз Ученых, (1-2 (34)), 30-34.
3. Мамедов, М.Н. Уважение гражданина и его прав в политико-правовых представлениях мыслителей античности / М.Н. Мамедов // История государства и права.- 2011. - № 24. – С. 5-8.
4. Каримов. И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон: 1997. – Б. 103.